

ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТИ СИФАТИДА АЛКОГОЛИЗМ ТАЪСИРИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Таштемиров Анвар Аликулович
ИИВ Академияси катта ўқитувчиси
Саъдиллоев Шахзод Шавкат ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-ўқув курси, 317-гуруҳ курсанти

Аннотация: *Мақолада, ижтимоий профилактика тушунчаси, объекти, алкоголизм таъсиридаги шахслар билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар бу борада вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан боғиқ масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *алкоголизм, ижтимоий профилактика, ҳуқуқбузарлик, вояга етмаган шахс, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари*

Ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашининг янги давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳамда давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган. Шунинг учун шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи “гиёҳвадлик, сурункали алкоголизм ва захарвандлик” каби иллатлар ҳозирги даврдаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки жамият тараққиётининг салбий таъсир қилувчи бу иллатлар оқибатида кўплаб жиноятлар содир бўлмоқда, оилалар барбот бўлмоқда, болалар ногирон туғилмоқда. “Гиёҳвадлик, сурункали ичкиликбоздик ва захарвандлик”ка қарши курашишда профилактика инспекторлари аввало бу каби иллатларни жамиятимизда ошиб бориши энг асосийси оилага жамиятга бориб тақалишини эътиборга олиши лозим.

Сўнгги йилларда Республикада аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турли тажовулардан ҳимоя қилиш, бу борада жиноятчилик содир этишга мойил ёки бошқача қилиб айтганда, ижтимоий профилактика объекти сифатида жиноятчилик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган тоифага кирувчи шахслар билан ишлаш тизимини янада яхшилаш, фаолиятни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида ваколатли органлар билан тегишли чора тадбирларни амалга ошириш давлат бошқарув органларининг диққат марказида бўлиб турганлигини, 2023 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисидаги 10/3/05-сон қўшма қарор асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактикани амалга

ошириш бўйича йўриқномага мувофиқ маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори, маҳалла раиси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги ёшлар етакчисининг ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика чораларини қўллаш бўйича кунлик якка тартибда манзилли ишлаш тартиби белгиланган.

Ижтимоий профилактика жараёнига қуйидагича тушунча бериб ўтилган яъни ижтимоий профилактика ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратadbирлар мажмуи эканлиги таъкидланади.

Ушбу жараёнда, алкоголь ва психоактив моддаларга ружу қўйган шахслар қуйидаги ишларни амалга ошириш лозимлиги белгилаган, булар:

- ушбу тоифадаги шахсларнинг турмуш тарзи ва ҳуқ-атворини ўрганиш;
- якка тартибда профилактик суҳбат ўтказиш, алкогольни суиистеъмол қилишининг сабабларини ўрганиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш, жумладан бундай салбий одатга берилиши омилларини бартараф этишга кўмаклашиш;
- тиббий кўриқдан ўтказиш ва комплекс психологик-тиббий реабилитация қилиш чораларини кўриш;
- мулкий тавсифдаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишида иштирок этиш ва уларни алданиб қолишини барвақт олдини олиш чораларини кўради;
- турмуш тарзи ва ҳуқ-атворини бир йил давомида мониторинг қилиб бориш ва шу каби бошқалар.

Спиртли ичимлик ва заҳарванд модда истеъмол қилган шахслар ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган, жиззаки, қўпол бўлиб қолади. Буларнинг барчаси маст кишининг онгида жамиятдаги ўрнатилган ахлоқ- одоб нормалари ва қонунларга бефарқлик, ҳурматсизликни шакллантириш билан бирга унга жамиятга зид бўлган ғайри ижтимоий салбий ҳаракатларни ва ҳуқ-атворни шакллантиради, натижада эътиёждан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш мотивацияси ўз-ўзидан шаклланиб боради.

“Сурункали алкоголизм” нинг энг хавфли асорати шундаки, у шахсни физиологик томонидан “сурункали ичкиликбозлик”ка боғланиб қолишга олиб келмоқда.

Профилактика инспекторларининг алкоголизмга ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалаларидан бири бўлиб, назоратда турувчи шахсларни қайта тарбиялаш ва улар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

ИИОларининг профилактика инспекторлари томонидан сурункали ичкиликбозликка ружу қўйган шахслар билан ишлашни тўғри ташкил этиш, ушбу иллатларга ружу қўйган шахсларни сабаб ва шароитларни ўрганиш, унга имкон берувчи омилларни аниқлаш ва тегишли профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Бугунги кунда алкоголизм ва спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Маълумки мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, хусусан Ички ишлар органлари томонидан ушбу иллатга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Жумладан сурункали ичкиликбозлик ва алкоголизм ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Шунга қарамай жамиятимизда сурункали ичкиликбозлик таъсирига билиб-билмай тушиб қолаётганлар ҳам оз эмас. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра спиртли ичимликка ружу қўйганларни аксарият қисмининг ёши 16-40 ёшни ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ушбу иллат домига тушганларнинг кўпчилиги ёшлардир. Шундан келиб чиқиб ёшлар орасида спиртли ичимликка ружу қўйишнинг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни кучайтириш, уларни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб ахамият касб этмоқда. Айниқса маҳаллалар ўқув муассасаларида кенг қўламли тарғибот ишларини йўлга қўйиш таълим-тарбия жараёнини қатъий назоратга олиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу каби иллатларни фақат профилактика инспектори жон куйдиргани билан олдини олиш қийин. Бу ўринда таълим-тарбия масаласида ота-оналарнинг масъулиятини ошириш жамиятда спиртли ичимликка ружу қўйиш сурункали ичкиликбозлик ва заҳарвандлик каби иллатларнинг олдини олишга хизмат қилишини алоҳида этироф этиш жоиз. Қолаверса ёшларнинг турли номақбул йўлларга кириб кетишида оиладаги ижтимоий муҳит, яъни ота-она ва фарзанд ўртасидаги ўзаро носоғлом муносабатлар ҳам сабаб бўлади. Бекарор нотинч оилада вояга етган ўсмир ёш бориб-бориб ташқаридан ўзига юпанч излайди натижада турли сабаб ва шароит туфайли спиртли ичимликка ружу қўйиш сурункали ичкиликбозлик ва заҳарвандлик ёки бошқа иллатлар таъсирига тушиб қолади. Қолаверса оила таркиби ва унинг моддий аҳволи ёшлар гиёхвандлигининг олдини олишга минимал даражада таъсир кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики айрим ҳолларда оиланинг ҳаддан зиёт моддий томондан таъминланганлиги ёшларда спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини истеъмол қилишга қизиқишни пайдо бўлишига қисман сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича сурункали спиртли ичимликни истеъмол қилиш оқибатида инсон руҳий ва жисмоний жиҳатдан ожизланиб қолади. Унга мубтало бўлган одамларнинг энг аввало руҳияти бузилади. Ичкиликбозликка чалинган шахс ўз оиласи жамиятда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлиб қолади. Ён атрофдаги воқеа ҳодисаларни идрок этиш меҳнат қилиш ва фикрлаш қобилиятини

йўқотади. Бора бора ҳаётга бўлган интилиши сусайиб организми ушбу захри қотилга қарам бўлиб қолади. Қолаверса, турли юқумли касалликлар инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бедаво хасталикларни юқтириб олади.

Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Сурункали алкоголизмга мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги махсус даволаш олдини олиш муассасаларига мажбурий даволашга юбориш Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27-октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонуни талаблари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Шундай касалликларга чалинган шахслар билан профилактика инспектори доимий равишда иш олиб боради жумладан, шундай касалликларга чалинган шахслар устидан профилактика инспектори, профилактик ҳисоб иши юргизади ва бундай тоифадаги шахслар қуйидагилар ҳисобланади . Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ва таянч пунктларда қуйидаги шахсларга нисбатан рўйхат юритилади:

- сурункали алкоголизмга мубтало бўлган шахслар;
- спиртли ичимликка ружу қўйишга чалинган шахслар;
- захарвандликка чалинган шахслар;
- руҳий касаллар;
- таносил касалликларига чалинган шахслар;
- доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар;
- жазони ижро этиш инспекциялари ҳисобида турган ҳамда ички ишлар органлари профилактик ҳисобида туриш муддати тугаганлиги сабабли профилактик ҳисобдан чиқарилган, аммо Ўзбекистон

Бундан кўриниб турибдики профилактика инспектори спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик ва захарвандликка чалинган шахслар устидан яқка тартибдаги профилактикани амалга оширади ва буни амалга оширади.

- спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлиши, истеъмол қилиниши, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ҳамда ўтказишнинг олдини олиш, ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари ички ишлар органларининг жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари томонидан амалга оширилади.

- мастлик ҳолатида, спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирлари ички ишлар органларининг жиноят-қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ҳамда тергов бўлинмалари томонидан давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилади ва ўтказилади.

Алкоголизмнинг олдини олиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ва Республика амалиётини ўрганиш алкоголизм муаммосини баратараф этиш бўйича комплекс чораларни тегишли ташкилий-бошқарувсиз, кадрлар ва молиявий таъминотсиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Спиртли ичимликка ружу қўйишнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун катор ташкилий-бошқарув ва кадрлар билан боғлиқ муаммоларни хал этиш лозим бўлади:

- алкоголь воситаларини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва уларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича идоралараро доимий мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш;

- алкоголизмнинг олдини олиш бўйича умумдавлат ва минтакавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижрочиларини белгилаш;

- алкоголизмнинг олдини олиш ва даволаш, шунингдек уларнинг реабилитацияси билан шуғулланувчи ҳудудий ўқув услубий марказларни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ИИБ идоралари спиртли ичимликка ружу қўйишнинг олдини олиш ва спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмаларининг кадрлар таркибини мустаҳкамлаш;

- ИИБ идолари спиртли ичимликнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни кайта тайёрлаш;

- алкоголизмнинг олдини олиш борасида марказий ва маҳаллий даражада давлат, жамоат ва хусусий фондларни ташкил этиш.

Хулоса сифатида алкоголизм таъсиридаги шахсларнинг олдинги ижобий ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолатини тиклашга йўналтирилган, спиртли ичимликка ружу қўйиш замиридаги жиноятларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чораларнинг комплекс тизими сифатида қаралиши лозим. Шундай экан, тиббий ва ижтимоий йўсиндаги махсус мослашув (реабилитация) марказлари ташкил этилиши лозим. Бундай марказларнинг ташкил этилиши биринчидан, касалликнинг олдини олиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш имконини берса, иккинчидан,

алкоголизм ва спиртли ичимликка ружу қўйиш замиридаги жиноий ҳуққ-атвор юзасидан мувофиқлаштирилган тарбиявий, маърифий, даволаш-профилактик ва реабилитацион чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, спиртли ичимликка ружу қўйишни олдини олиш бўйича реабилитацион характердаги чора-тадбирларнинг тизими жазони ижро этиш муассасалари доирасида ҳам жорий этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.
3. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
4. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
5. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.
6. Aliqulovich, Tashtemirov Anvar, and Murodullayev Xusan Atxam o'g'li. "Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o'tkazish jarayonidagi ishtirokining o'ziga xos xususiyatlari." O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 2.24 (2023): 230-235.
7. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(22), 116-123.
8. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 12 Special Issue. –С. 141-146.17.
9. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмиймақола//Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. –Т. 7262974.18.
10. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и

прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 13. –С. 160-165.19. 11. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –№. 1. –С. 5-15.

12. Мирсалихова Г. А. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар истикболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 10 Special Issue. –С. 214-217.